

effective cooperation with IFIs can accelerate structural transformation and support sustainable growth. Accordingly, Uzbekistan should complement IFI lending with greater use of grants, technical assistance, and advisory support to achieve the objectives of the 2030 Development Concept and strengthen its position as a regional economic and financial hub.

Literature:

1. *Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis // Xalq so'zi, January 25, 2020, No. 19 (7521).*

2. *Kapur, D., Lewis, J. P., & Webb, R. (1997). The World Bank: Its First Half Century. Vol. 2. Brookings Institution Press, Washington D.C., p. 44.*

3. *Tukhliyev, N. (2019). Innovative economy: problems, tasks, solutions. Uza electronic journal, November 14, pp. 2–3. [Electronic resource]. URL: <http://uza.uz/upload/iblock/a84/Nurislom-Tukhliev.pdf>*

4. *Sharifkhojaev, Sh. O., & Vokhidova, M. Kh. (2018). The need to improve the innovation infrastructure in the country. Tashkent: Economics and Finance, No. 5, pp. 61–66.*

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРДА СУҒУРТА ЗАХИРАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ИНВЕСТИОРЛАР ҚАРОРИГА ТАЪСИРИ

Кодиркулов Ойбек Турдибоевич

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси.
«Халқ суғурта» АЖ Молиявий директори*

Маълумки, мамлакатимиздаги барча суғурта ташкилотлари ўзларининг молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (МҲХС) асосида тайёрлаши лозим. МҲХС асосида молиявий ҳисобот тузувчи бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисобот шакллари ваколатли орган буйруғи билан тасдиқланган ҳолда амалиётга жорий қилинган.


Яъни, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 8 октябрдаги 181-сон буйруғига асосан «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги Низом»⁷⁴ тасдиқланди. Мазкур Низомга мувофиқ МҲХС асосида ҳисобот тайёрловчи бухгалтерия ҳисоби субъектларнинг молиявий ҳисоботи шакллари қуйидагиларни ўз ичига олиши белгиланган (1-расм).

⁷⁴ «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги Низом». Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 8 октябрдаги 181-сон буйруғи билан тасдиқланган. <https://lex.uz/uz/docs/7194594>



1-расм. МҲХС асосида ҳисобот тайёрловчи бухгалтерия ҳисоби субъектлари йиллик молиявий ҳисобот шаклларининг таснифи⁷⁵.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур Низом суғурта ташкилотлари молиявий ҳисоботининг таркиби ва мазмунини белгиламайди. Шу боисдан ҳам суғурта ташкилотлари солиқ органлари, статистика органлари, истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ва бошқа молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчиларга Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»⁷⁶ги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган қуйидаги молиявий ҳисобот шаклларини белгиланган тартибда расмийлаштириб тақдим этмоқда (2-расм).



2-расм. Суғурта ташкилотлари молиявий ҳисобот шаклларининг таснифланиши⁷⁷.

2-расмда суғурта ташкилотлари молиявий ҳисобот шаклларининг таснифланиши келтирилган бўлиб, мазкур шакллар амалда суғурта фаолияти натижаларини акс эттиришда асосий ахборот манбаи сифатида хизмат қилмоқда. Бироқ, молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тузувчи суғурта ташкилотлари учун алоҳида молиявий ҳисобот шакллари

⁷⁵ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 37-сонли буйруғи. <https://lex.uz/docs/1472739>

⁷⁷ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

ваколатли орган томонидан тасдиқланмаган. Шу боис, солиқ соҳасида ваколатли орган ҳисобланган солиқ органлари суғурта ташкилотларидан солиқ органларидаги шахсий кабинет орқали кўшимча равишда «МҲХСга ўтган суғурта ташкилотлари молиявий ҳолат тўғрисидаги маълумот» ва «МҲХСга ўтган суғурта ташкилотларининг фойда ва зарар тўғрисидаги маълумоти» шаклларини расмийлаштириб тақдим этишни талаб этмоқда. Ушбу маълумотнома шакллари меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан молиявий ҳисобот шакли сифатида тасдиқланмаган бўлсада, амалда ахборот тақдим этиш воситаси сифатида қўлланилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, суғурта ташкилотлари, хусусан тадқиқот объекти бўлган «Xalq sug'urta» АЖ томонидан тақдим этилаётган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бухгалтерия баланси»⁷⁸да суғурта захираларининг акс эттирилиши ўрганилганда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди (1-жадвал).

1-жадвал

“Xalq sug'urta” АЖнинг 2025 йил 2 чорак якунлари бўйича «Бухгалтерия баланси»да акс эттирилган суғурта захиралари тўғрисида маълумот⁷⁹ (минг сўмда)

Счёт рақами	Суғурта захирасининг номланиши	Давр бошига қолдиқ	Давр охирига қолдиқ
8000	Жами суғурта захиралари	145659030,33	158102283,80
8010	Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси	125866263,84	114967218,43
8020	Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси	11093848,00	20571076,16
8030	Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси	5252285,15	18993525,04
8040	Огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси	-	-
8050	Активларнинг номувофиқлиги захираси	-	-
8060	Фалокатлар захираси	-	-
8070	Зарарлиликнинг тебраниши захираси	3446633,34	3570464,17
8090	Ҳаёт суғуртаси бўйича захиралар	-	-
8100	Қайта суғурталовчиларнинг суғурта захираларидаги улуши	813788,88	515518,58
8110	Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши	740790,13	460854,45
8120	Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши	-	-
8130	Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган	72998,75	54664,13

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 37-сонли буйруғи. <https://lex.uz/docs/1472739>

⁷⁹ «Xalq sug'urta» АЖнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

	зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши		
8140	Ҳаёт суғуртаси бўйича захиралардаги қайта суғурталовчиларнинг улуши	-	-
	Соф суғурта захиралари	144845241,45	157586765,22

1-жадвал маълумотлари суғурта захиралари турлари кесимида ҳисобот даври охирида уларнинг ҳисобот даври бошига нисбатан ўзгариш динамикасини ва ушбу захираларда қайта суғуртанинг улушини таҳлил қилиш имконини беради. Бироқ, мазкур ахборотлар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар (инвесторлар) учун суғурта захиралари тўғрисида тўлиқ ва тизимли равишда очиб берилган маълумотлар билан таъминламайди. Масалан, «Бухгалтерия баланси»да акс эттирилган «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси»нинг узоқ ва қисқа муддатли қисмларга тақсимланиши, уларнинг қайси суғурта турлари бўйича шаклланганлиги, қайси ҳисобот даврларида даромад сифатида эътироф этилиши ва умумий суғурта мажбуриятларидаги улуши тўғрисидаги маълумотлар очиб берилмаган. Бу эса, ахборотдан фойдаланувчиларни суғурта ташкилотининг реал мажбуриятлари ҳажми ва уларнинг даврий тақсимланиши тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди. Шунингдек, «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» амалдаги «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низом»⁸⁰ талабларига мувофиқ равишда суғурталовчилар томонидан суғурта ҳодисаси ҳақида хабар берилган ҳолларда шакллантирилади. Аммо, амалиётда суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси ҳақиқатда юз бермаган ҳолатларда ҳам мазкур захиранинг шакллантирилиши кузатилмоқда. Бу албатта, хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси молиявий ҳисоботда ортиқча акс эттирилишига олиб келади. Бундан ташқари, молиявий ҳисобот шаклларида ҳисобот даври охирида суғурта захираларининг ҳисобот даври бошига нисбатан ўзгаришлари ҳаракати тўғрисида батафсил, яъни шаклланиш, камайиш, қайта баҳолаш ва фойдаланиш йўналишлари бўйича кенгайтирилган ахборотларни очиб бермайди. Бу эса, ахборотдан фойдаланувчиларни оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ўз вақтида, ўринли ва тўлиқ маълумотлар билан таъминламайди.

Шунингдек, тадқиқот объекти бўлган “Xalq sug’urta” АЖнинг молиявий ҳисоботлари ўрганилганда, ҳисобот санасида амалда бўлган барча суғурта шартномаларига тегишли суғурта жавобгарликлари тўғрисидаги маълумотлар очиб берилмаганлиги маълум бўлди. Фикримизча, “Xalq sug’urta” АЖ суғурта шартномаларига тегишли суғурта жавобгарликлари тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисобот элементи бўлган, аҳамиятли ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар (молиявий ҳисоботга изоҳлар)да 17-сон МХХСда белгиланган

⁸⁰ Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган. <https://lex.uz/docs/1416862>

талаблар асосида ёритиб бериш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида акс эттирилган суғурта захиралари бўйича маълумотларни очиб бериш жараёнида, уларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича таснифни таъминлаган ҳолда ҳисобот санасида амалда бўлган барча суғурта шартномаларига тегишли суғурта жавобгарликлари тўғрисидаги ахборотлар 17-сон МҲХС талабларига мувофиқ молиявий ҳисобот элементи бўлган, аҳамиятли ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар (молиявий ҳисоботга изоҳлар)да ёритилиши лозимлиги асосланди. Мазкур ёндашув 17-сон МҲХСда белгиланган талабларнинг тўлиқ бажарилишини, шунингдек, молиявий ахборотларнинг янада батафсил, ишончли ва қиёсланувчан бўлишини таъминлайди.

ANALYSIS OF THE FINANCIAL AND ECONOMIC SITUATION OF ELECTRICITY NETWORK ENTERPRISES

Mavlonov Ozod Ulug'bekovich

“Hududiy elektr tarmoqlari” AJ mustaqil tadqiqotchi

Abstract. *In this article, an attempt is made to analyze the financial situation of electric power network enterprises and to develop scientifically based conclusions and proposals based on this analysis. For the analysis, the financial and economic situation of JSC “Regional Electric Networks Enterprise”, the sole supplier, was analyzed and conclusions were given.*

Keywords. *Electricity, solvency, net profit, profitability, state-owned enterprises.*

The implementation of energy sector reforms is of great importance for ensuring the economic development of any country. The rapid development of development and urbanization processes is increasing the demand for electricity, gas, water and other energy. In the past 5 years, in order to meet the growing demand for electricity in Uzbekistan and to sustainably provide electricity to the population, social sectors and economic sectors, a total of 12 agreements have been signed with foreign companies on the construction of new thermal power plants on the principles of public-private partnership, the Ministry of Energy of the Republic of Uzbekistan has announced. Based on these agreements, it is planned to commission 12 modern thermal power plants with a total capacity of 7,057 MW in Uzbekistan by the end of 2027. Digitalization and support for renewable green energy, in turn, are aimed at optimizing costs and meeting necessary needs. The main goal of these measures is to sustainably grow the country's economy. Stable economic growth creates opportunities for the sustainable development of enterprises. We can also see state participation in enterprises providing energy and basic goods and services. The financial and